

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ФИЛОЛОГИЯНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ

*Филология фанлари доктори, профессор Шоира Нематовна
Ахмедова таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан
ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари*

*Materials of the International scientific conference Organized on
the occasion of the 60th anniversary of Doctor of Philology, Professor
Shoira Nematovna Ahmedova*

*Материалы Международная научная конференция
организована к 60-летию со дня рождения ученой, профессора
Бухарского государственного университета Ахмедовой Шокры*

2020 йил 24-26 декабрь. Ўзбекистон
December 24-26, 2020, Uzbekistan
24-26 декабря, 2020 г. Узбекистан

**«ТУРОН-ИҚБОЛ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 2021**

Абдуллоев Олимжон, Шоира Мунаввара Ойматованинг бадий маҳорати.....	157
Улутов Абдулла, Хайта мафтун адиб.....	164
Файзуллоев Бахтиёр, Туркиёй шоирлар устоз Айний нигоҳида.....	170
Давронова Шоҳсанам, Назар Эшонкул "Шамолни тугиб бўлмайди" ҳикоясининг поэтик тил хусусиятлари.....	173
Adizova Nilufar, Erkin Vohidov ijodida milliy - o'zlik ruhining aks etishi.....	177
Ф.Каримова, Знэвиддин Мансур шеърятининг бадий хусусиятларига доир.....	183
Жамилова Баторат Сатторовна, Автобиографик қиссаларда нарратология - баёнчилик услубининг ўзига хос кўринишлари.....	186
Мунишжон ҲАКИМОВ, Жамол Камол шеърятинида кўнгил тимсоли.....	190
Жовлиев ЖАВЛОНБЕК, Чўлпон ва Шайхзода.....	195
Zoyirova G O'zal, Samandar Vohidov she'riyatida shakl va mazmun uyg'unligi.....	200
Khudoyberdiyev Jasur, The scholarship of international literary critics about Uzbek jadid writers.....	207
Mirsharipova Shahzoda, Tarixning takrorlanishi.....	210
Mo'minova S, Ruhiy olam inkishofi.....	213
Нусратова Хамида, Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний дарсликлари мундарижаси.....	215
Notmurodova Nigora, Sadriddin Ayniyning "Esdaliklar"ida real hayot tasviri.....	220
Норова Насиба, Усмон Қўчқор ғазалларида анъана ва новаторлик.....	222
Райхонова Мухайё, Абдулла Орипов шеърятини поэтикаси.....	225
Рахматова Нигора, Эркин Воҳидовнинг адабиётшунослик фаолиятига бир назар.....	229
Salimova Salimaxon, "Tazarru bog'lari" she'riy turkumida tabiat tasviri va lirik qahramon ruhiyati ifodasi.....	233
Сафарова Ҳилола, Самандар Воҳидов шеърятинида ватан мадҳи.....	235
To'rayeva Mohinur, Shoyim Bo'tayevning "Shamol o'yini" qissasida xalq milliy ruhiyati.....	240
Azimova Muhabbat, Habibova Maftuna, Buxoroning she'riy xaritasi.....	243
Ширинова Азиза, Шавкат Раҳмон шеърятини образлар олами.....	247
Salohiddinova Lobar, O'zbek bolalar she'riyatida analitik folklorizm.....	250
Шодиева НИГИНА, Ҳозирги ўзбек насрида шамол образи.....	253
Go'zal Salohiddinova, "Iztirob"ni o'qib.....	257
M.Q.Salohiddinova, Bolalarbop tajnisli ikkiliklar.....	260
Шарипова Лайло, Маҳоратли шоир.....	264

IV БОБ

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА АДАБИЙ ТАНҚИД МУАММОЛАРИ

Ахмедова Шоира, Бухоро адабий муҳити олим талқинида.....	270
Махмудова Наргиза, Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанрининг хусусиятлари.....	280
Narzulloeva Nilufar, Abdulla Qahhor va Said Ahmad.....	284
Равшанова Гулрухбегим, Ҳажвиётда рамзийликнинг ўрни.....	287
Раҳмонова Зарина, Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик муаммоси.....	291
Қодирова Насима, Услуб ва ижодий индивидуаллик масаласи.....	297
Худойқулова Марҳабо, Баҳсда адабий муаммолар талқини.....	302
Назарова Д, Адабий портрет ривожини хусусида.....	304
Олтиной Курбонова, Абдулла Орипов ҳақидаги теран талқинлар.....	306
Murodova Farangis, Obzor maqolada hikoyalar talqini.....	309

V БОБ

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Д.Ўраева, М.Қодирова, Масофавий таълимда фольклорни ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти.....	313
Улуғмурод АМОНОВ, Элбек - фольклор тўпловчиси ва тадқиқотчиси.....	319

Зиёвиддин Мансур халқона қочиримларга бой, баъзан ўйноқи, баъзан залворли, самимиятга йўғрилган, инсонни мушоҳадага чорлайдиган шеърлари билан шеърнайт мухлислари қалбидан муносиб ўрин эгаллаган.

Адабиётлар

1. Зиёвиддин Мансур. Тўғиб. –Тошкент: Шарқ, 2008. –160 б.
2. Зиёвиддин Мансур. Эзгулик элчиси. – Наманган: "Наманган", 2008. – 48 б.
3. Зиёвиддин Мансур. Истиқбол йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –72 б.
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. –398 б.

Жамилова Башорат Сатторовна,
филология фанлари номзоди, доцент.
Бухоро давлат университети
(Ўзбекистон)

АВТОБИОГРАФИК ҚИССАЛАРДА НАРРАТОЛОГИЯ – БАЁНЧИЛИК УСЛУБИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мақолада улғустеъдод эгалари, ёзувчиларнинг автобиографик қисса, болалик ёдномалари ҳамда хотираларига бағишланган асарларнинг бадиий-композицион хусусиятлари, услубий жиловлар ва адабий тадқиқотчилик, болалар китобхонлигидаги муҳим ўрни ҳақида фикр юритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: автобиографик қисса, ёдном, хотира, болалик, образ, қаҳрамон, нарратология, услуб, жило.

Article: The article has points concerning the features and importance of stories and applications which relate to childhood.

Key words: autobiographical, story, applications, memory, childhood, symbol, hero

Сўз – инсон тафаккурининг маҳсулидир. Ҳар бир инсон нафақат ўзининг нутқи орқали дунёқараши, орзу-интилиш, руҳий-ҳиссий туйғуларини ифода этади, балки муносабатлари билан жамиятда ўз ўрнига ҳам эга бўлади. Сўз халқимиздан қолган маънавий меърос тимсоли. У орқали аجدодларимиз ўзларининг урф-одат, анъана ва қадриятларини мерос қолдирган.

Ҳар миллатнинг шон-шавкати, ўлмас қадриятини белгилаб берадиган мезон ҳам аслида адабиётдир. У дунё халқларига мамлакат, миллат номидан сўзлайди.

Адабиётда яна шундай адабий жанрлар бўладикки, улар ўқувчида нафақат бадиий-эстетик завқ уйғотади, балки тарихий давр ҳақида яхлит тасаввур бериш, ўтмиш аجدодларимизнинг ҳаёт тарзини жонлантира олишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Инсоннинг руҳий ривожланишдаги ўз-ўзини англаш даври болаликда кашф этилиши турли халқларда турли даврларда кечди. Негаки, болалик инсоннинг ўзидаги бебаҳо ички олам сифатида, катталарни ўзининг чуқур моҳияти ва ажойиботлари билан ўзига ром этувчи давр экани, катталиқ

эса худди энг самимий ва болаларча бетуборлик тарз этилган давр сифатида аниқлай бошлангани ана шундай асарлар орқали ёрқин намоён бўлади.

Рус адабиётида улуг адибларнинг ўз болалиги ҳақидаги автобиографик қиссалар XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларидаёқ алоҳида жанр сифатида вужудга келган. Жумладан, Л.Н.Толстой, А.М.Горький, И.А.Бунин, А.Н.Толстой, А.Гайдар, К.Чуковский, С.Маршак, В.Катаев, В.Распутин, В.Астафьев, Ч.Айтматов каби адибларнинг "болалик"лари энг аввало ўз халқларининг ёш авлоди, замондош китобхонлари учун алоҳида аҳамият касб этишига шубҳа йўқ. Ўзбек болалар адабиётида эса автобиографик характердаги саргузашт қисса ўтган асрнинг 30-йилларидан Гафур Гуломнинг "Шум бола"си орқали, сўнгра 60-йиллардан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳаким Назир ижодида ўзига хос услуб ва жанрда намоён бўлди.

Ойбекнинг "Болалик" асари – "Хотираларим" (1963), А.Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртақлар"и – "Саргузашт қисса" (1979), Ҳ.Назирнинг "Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим" – "Хотира-қисса" (1995), Ч.Айтматовнинг "Болалигим" асари – "қисса" (2017) тарзида нашр этилган бўлса-да, улар моҳиятан бир ҳодиса – адибларнинг ўз болалик хотиралари асосидаги ҳикоялардир.

Ижодкорнинг хотира, кундалик ва ёдномалари бу – оддий қайдлардан иборат эмас, албатта. Бунда анча олис йиллардаги воқеалар, ҳолатлар ижодкорнинг соҳир қалб тугёни билан қайта уйғонади, умр йўлларида ардоқлаб олиб ўтган, юрагининг энг тубида мудом ўзига ҳамроҳ қилиб юрган кечинмалари қайта "тирилади", гоҳ алам, гоҳ шодликда кечган болалик хотиралари муаллиф кўз ўнгида яққол намоён бўлиши жоиз. Ана шундагина ижодкор ўтмиш ёдномаларини маржон шодасидек ипга тизади. Шу сабабли бу асарларда воқеалар болалик хотиралари андозаси янглиғ тасвирланса ҳам, уларда етук истеъдод сохибларининг нигоҳи сезилиб туради.

Жаҳон ва рус адабиётида ҳам муаллиф ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган воқеалар, ижодкор яшаган давр, у ўсган муҳит, оила аъзолари ва дўстларининг реалистик характери кабилар автобиографик қиссаларнинг бош хусусияти сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга ёзувчининг бадиий ниятига кўра бундай қиссаларнинг услубий жиҳотларини ўзига хослик сифатида кузатиш мумкин. Зотан, Ойбекнинг "Болалик" ва Ч.Айтматовнинг "Болалигим" қиссаси композицион ва мазмун ифодаси жиҳатдан яқин бўлса, "Ўтмишдан эртақлар" ва "Оқ фотиҳа" қиссалари фаслларга ажратилиб, мустақил сюжетли ҳикоялар тарзида берилиши билан муштарак. Айни пайтда, Ойбек, А.Қаҳҳор ва Ҳаким Назирнинг болалик хотираларидаги қаҳатчилик, оғир турмуш тарзи, ҳар қадамда болаларнинг жеркиб берилиши, катталар ва болаларнинг ўзаро салбий муносабатлари тасвирида ўхшаш лавҳалар кузатилади.

"Болалик" қиссасининг тасвири, баён услуби ҳам қаҳрамон ёшига монанд ўзгариб боради. Асар бошидаги лавҳалар 4 ёшли Муса образига мос тарзда берилса, (масалан: "Тор кўчада, қўшнимизнинг эски шалоқ эшиги олдида менинг чол бобом ўз ўртоғи узун соқолли, йирик жуссали қар куюқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўзлашади. Бобом

орик, кичкина тавдасини деворга суяб, чўққайган: хассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса кўпол, эски сағри кавуш кийган, узун, сертук оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган холда ерга ёнбошлаб ўтирибди... Мен чолларнинг атрофини айланаман. Дам бобомнинг, дам ўртоғининг таврондай узун хассасини "от" қилиб минаман, тупроқда хассалар чизган изга қизқиб қарайман. Кейин бу қуруқ таёқларни тарақлатиб улоқтираман... " каби), қисса ниҳоясида тафаккури анчайин ўсиб, воқеликка муносабати ўсиб бораётгани англанади.

Дарҳақиқат, Ойбекнинг серқирра ижодида болалар олами алоҳида мавзунини ташкил этади. "Қонли бармоқлар", "Зафар ва Захро", "Алишернинг ёшлиғи" каби қисса ва дostonларида ҳам турли ёшдаги, мамлакатдаги болалар тимсоллари мавжуд. Шундай тажрибалар асоси янглиғ Ойбек тўрт ёшли Мусавойнинг қилиқларини, бобоси ва унинг ўртоғи, оила аъзолари, яқин қариндошлари портретини, ҳовли ҳамда кўчаларни, воқеалар тафсилотини юксак бадний маҳорат билан акс эттира олади. Натижада, китобхон қаршисида ўша тарихий давр лавҳалари яққол намоён бўлади.

Муаллифлар ўз болалиги орқали тарихий давр руҳини, айрим бир асарларига "хамиртуруш" бўлган деталларни баён этиши ҳам қиссаларнинг аҳамиятини теранлаштиради. Айтайлик, Ойбекнинг она томонидан бобоси маҳсидўз бўлганидан бу хунарнинг барча қиррасини ёш Муса обдон қузатади. "Болалик"нинг бир неча саҳифасида Мусанинг бобосиникига бориши билан устахонадаги асбоб-ускуналар, айниқса, шонлар, қолиплари тарақлатиб, гоҳ у токчага, гоҳ бу токчага териши, тайёр бўлган бачкана маҳсиларни тахлаши, баъзиларини оёқларига ўлчаб кўриши, бобоси пешин намозига кетгач, дарров унинг ўрнида ўтириб, худди бобоси каби жиддият ва кунт қилиб, газан билан чармларни кесиши, ширач билан бир-бирига ёпиштириши, буришган эски чармларни хўллаб, кунда устига кўйиб, кўва билан уриб текислашни жуда севишини мароқ билан ҳикоя қилади. Бу эса адибнинг "Қутлуғ қон" романидаги "Меҳнаткаш қиз" бобида Унсиннинг Шокир отага ёрдам бериш учун маҳси тикишда *ип эшиб, мумлаб бериши, маҳсиларга шон қоқиши, шондан тушириши, пардозлаши, лок суркаши* каби деталларининг бежиз келтирилмагани аён бўлади.

Адабиётшунос олим А.Расуловнинг бу борадаги эътирофи ҳам шу маънода ўрилли. "Ойбек, – деб ёзади у, – даврларни яхши эслайди. Аниқроғи, XX асрнинг 10-йиллари воқелиги, одамлари Ойбек ижодининг ўқ илдизини белгилаган. Ойбек ижодини ўрганишда биографик методни зинҳор унутмаслик керак"¹.

"Болалигимнинг илк эсдаликларини катта энам Ойимхоннинг ёрқин хотирасини ёдга олиш билан бошламоқ вафо бурчимдир, – деб бошлайди ўз қиссасини Ч.Айтматов. – Раҳматли энам ўзгача бир инсоний сифатлар соҳиби бўлиб, овулда обрў-эътибори, теран ақли заковати билан ажралиб турар, худо у кишини табиатан доно қилиб яратган эди. У кишининг бошларидан ҳеч қачон оппоқ дасторлари тушганини кўрмаганман..."²

¹ Бу ҳақда қarang. Шарк юлдузи", 2014. 3-сон

² Айтматов Ч. Болалигим. Тошкент, 2017. – Б.115

Ҳар икки лавҳа икки буюк ижодкорнинг энг меҳрибон, суюкли инсонлари тасвирига бағишланган бўлса ҳам услубий ўзига хослик англашилиб туради.

Ч.Айтматовнинг 5-6 ёшларидаги хотираларида акс этган чорвадор халқнинг турмуш тарзи, айниқса, яйловга кўчиш воқеаси, қутурган йилқи уюрлари ва кўра-кўра қўйларни ҳайдаб боришида қатнашиб, сўнгра икки ой мобайнида яйловда бўз уйлар тикиб, ана шу табиат ва ҳайвонот оламининг инжа сирларини бола қалбида туйиши улкан санъаткор асарларига асос бўлган дея оламиз. Ёки Жамила ва Дониёр воқеаси айнан қавм-қариндошлари ҳаётдан олинганини эътироф этган муаллиф: “Унда мен ҳам унчалик кўзга ташланмаган, ҳеч ким эътибор бермайдиган кичкина бир бола эдим-да... Бироқ ўзим истамаган ҳолда ўша икки қалб севги-муҳаббатининг шохиди бўлиб қолдим. Гоҳида Дониёр Жамилани, гоҳида Жамила Дониёрни кутар эди. Иккови бир юк аравага ўтиришиб, далага қараб кетишарди. Бепоеъ далада иккиси ҳар доим бирга юришарди...”¹

Шу маънода, А.Қаҳҳор ҳикояларининг данаги ҳам адиб болалиги хотираларида илк бор ниш урганини “Ўтмишдан эртақлар”даги Бабар ҳикоясидан Қобилбобо, амакисининг ўғли Ғаффоржондан “Бошсиз одам”даги ўғил, онаси тақдиридаги қийинчиликларни “Бемор”да Сотиболдининг хотини образлари тасдиқлайди.

Ҳаким Назир болалик хотираларидан ҳам ёшларда китобхонликка муҳаббат, ўсмирларнинг касб-хунар эгаллаши каби мавзуларни ўз асарлари учун бош мавзу қилиб олгани бежиз эмаслиги англашилади. Умуман, адиблар хотираларида болаликнинг қоронғу тунларидан ёруғ кунларигача, яъни ўсмир бўлиб ўз келажагини илм-маърифатга, ижодга бағишлаш орзусини рўёбга чиқариш учун ҳаракат бошланган кунларгача ҳикоя қилиниши бир-бирини тўлдириб турувчи асар сифатида эътиборни тортади. Бинобарин, устоз ёзувчиларнинг ўз болаликларига бағишланган хотиралари деярли бир тарихий давр, авлодга хос бўлса ҳам уларнинг услубий жилолари, бадиий-композицион ифодаси турлича. Гарча бу хотира қиссаларда болалик умрнинг энг шодон, бетакрор ва бахтли онлари сифатида юксак пафос билан эмас, чор-ночорликдан дийдираган болақайлар тасвири етакчилик қилса-да, ижодкор бадиий оламини биографик, психологик жиҳатдан теран тадқиқ этишга имкон беради.

Эндиликда, ёднома, бадиа, хотира, кундаликлар ҳам адабий жанр сифатида автобиографик қисса ва автобиографик характердаги асарлар билан синтезлашиб бормоқда. Аммо болаликка бағишланган қиссаларнинг аксарияти, энг аввало, шу халқнинг болалар адабиёти намуналари сифатида ардоқланиб келинган. Шундай экан, автобиографик қиссаларнинг ёднома ва хотира, бадиалардан айрича жанрий-бадиий хусусиятларини ойдинлаштириш, хусусан, қиссачилик тамойилларини тадқиқ этишда нарратология – баёнчилик услубининг ўзига хос кўринишларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим вазифа. Яна бир нарса: ҳар бир авлоднинг ўз адабиёти, адиблари бўлганидек, янги юз йиллик болалар адабиётида автобиографик

¹Айтматов Ч. Болалигим. – Тошкент, 2017. – Б.202.

ва биографик қиссаларнинг бетакрор намуналари, тасвир ва талқини юз очнишига ишониб қоламиз. Улар нафақат болалар ва катталар китобхонлигида, балки адабий тадқиқотчиликда ҳам муҳим манбаа бўла олишини эсда тутиш лозим.

*Мунисжон ҲАКИМОВ,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтининг кичик илмий ходими*

ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРИЯТИДА КЎНГИЛ ТИМСОЛИ

Шарқ адабиётида айни бир мавзу, бир сюжет, бир образдан фойдаланиш анъанага айлангани маълум. Лекин буни шунчаки такрор ёки ўзлаштирмачилик деб булмайди. Ҳар бир ижодкор бирор мавзуда қалам сураётган экан, унинг истеъдоди, дунёқараши мавзуга такрорланмас руҳ ва тус беради. Шунинг учун ҳам адабиётда, жумладан, шеъриятда бир қатор образлар анъанавий тарзда такрорлансада, сўз санъатининг сеҳргарлари бу анъанавийликни маҳорат билан янгилайдилар. Адабиётшунос М. Юнусов сўзлари билан айтганда эса: "Традиция пасив такрорлаш эмас, бу жараёнда ёзувчи дунёқараши, билиш доираси, ҳаётий малакаси, фантазияси иштирок этажигини кўрсатади."¹

Замонавий шеъриятимиз ҳам фақат янги образлар яратиш билан чекланмай, анъанавий образларни янгилаш ва ўзига хос талқинда ифода этмоқда. Ана шундай образлардан бири кўнгил образидир. Бу образ ёзма адабиётга оғзаки адабиётдан кириб келган. Бу унинг қадимий образ эканлигидан далолатдир. Ўзбек адабиёти ўзининг улкан тарихий жараёнида бу образни асосий образлар даражасига олиб чиқди. Чунки "...шеъриятда инсон руҳияти, ҳис-туйғуси, маънавий олами, ботиний сир-асрорини ёритишда энг фаол поэтик образ даражасигача кўтарилган сўз кўнгилдир."² Яъни, кўнгил образи шеъриятда жуда кенг қамров касб этиб, кўплаб ижодкорлар унга такрор-такрор мурожат қилишган.

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ижодида ҳам кўнгил образи муҳим ўрин эгаллайди. Шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, кўнгил – Оллоҳ мўжизаси. Шундай экан, унинг шеъриятида ҳам бу мўжизавий образ алоҳида аҳамият касб этади, чунки шоир шеър ёзмайди, балки қалбни таржима этади:

*Шоиро, синдир қаламни,
Қўй, керакмас жимжима,
Сен менинг руҳимга кир,
Қалбимни этгил таржимам...*³

¹ Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. – Тошкент, 1965. 14-бет.

² Бозорова Н. Алишер Навоий газалларида кўнгил образи. – Тошкент, 2009. 49-бет.

³ Камол Ж. Яна кўнглимда ул ой. – Тошкент, 2010. 149-бет.